

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

ҒАИПОВ МУҲСИНЖОН БАҚИЖОНОВИЧНИНГ

**“ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ
ҲАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”**

5А240123 – Коррупцияга қарши курашиш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Илмий раҳбар: Академия бошлиғи
ўринбосари У.У.Нигмаджанов**

Тошкент – 2020 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
АСОСИЙ ҚИСМ	11
I-БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ҒАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсади, вазифалари, асосий принциплари ва шакллари.....	11
1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	22
II-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ҒАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.....	33
2.1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг институционал ривожланиши.....	33
2.2. Коррупцияга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигининг ташкилий масалалари.....	45
III-БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ҒАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....	57
3.1. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	57
3.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш истиқболлари.....	67
ХУЛОСА.....	81
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	86
ИЛОВАЛАР.....	92

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб соҳалар қаторида “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш”¹га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсоният пайдо бўлгандан буён жиноятчилик унга доимий салбий ҳамроҳ сифатида ҳамма вақт жамиятга хавф туғдириб, курашиш шарт бўлган муаммо бўлиб келган. Жамият ривожланган сари жиноятчилик ҳам ривожланиб, унинг хавфлилик ва муаммолик даражаси ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда жамиятга жуда катта хавф ва муаммо бўлиб майдонга келган жиноятчиликнинг кўриниши бу шубҳасиз коррупциядир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторида суд-ҳуқуқ масалаларини тартибга солиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини самарадорлигини такомиллаштириш, Республикада фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат ва парламент назорати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг ҳуқуқий асосларини ислоҳ қилиш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий ўсишни янада кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этиш давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (президент.уз/уз/листс/виев/137)

шунингдек, коррупция сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2752-сонли қарори², 2017 йил 2 февралдаги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”³ ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларини ижро этишга хизмат қилади.

Буларнинг барчаси коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, жумладан, нормалар ва ратификация қилинган халқаро актларни миллий қонунчиликка татбиқ этишни ҳар томонлама ўрганишни талаб этади.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, коррупцияга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш чуқур ўрганишни талаб этадиган энг долзарб муаммолардан биридир.

Коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари хориж

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори., 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

олимларидан Ю.В.Капитанова⁴, А.В.Кудашкин⁵, И.Г.Корзун⁶, Ф.М.Кобзарев⁷, И.А.Калита⁸, И.А.Иманов⁹, Н.М.Абдиров¹⁰, П.Меагхер¹¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос-олимлари, жумладан, Б.Х.Пўлатов¹², О.М.Мадалиев¹³, З.С.Ибрагимов¹⁴ ва Б.И.Исмаиловлар¹⁵ томонидан прокуратура органларининг умумий ваколатлари доирасида ўрганилган.

Жумладан, профессор Б.Х.Пўлатов кунлар ижроси устидан прокурор назорати хусусиятларини ўрганиш, профессор Р.А.Зуфаров пора олиш учун жиноий жавобгарлик масалаларини ва порахўрлик қарши жиноий ҳуқуқий жиҳатлари, З.С.Ибрагимов коррупцияга қарши курашиш масалалари борасида қонунчиликни амалга ошириш устидан прокурор назорати муайян жиҳатлари ва давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва ролини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларини олиб борганлар.

⁴ Капитанова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Рос. Федерации. – М., 2002. – С. 21.

⁵ Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [Электронный ресурс]. URL: [http:// www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/](http://www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/) (дата обращения: 10.04.2020)

⁶ Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14

⁷ Кобзарев Ф.М. Сущность, цели и правовое регулирование координационной деятельности // Основы организации и управления в органах прокуратуры Российской Федерации: учеб. для юрид. вузов / под ред. проф. А.Ф. Смирнова. – М.: ИПК руководящих кадров Генеральной прокуратуры Рос. Федерации, 2004. – С. 201.

⁸ Калита И.А. Деятельность органов прокуратуры по противодействию коррупции: автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук: 12.00.11 / АО ВПО Московский гуманитарный ун-т. – М., 2013. – 25 с.

⁹ Иманов И. А. Прокурорский надзор за исполнением законов о противодействии коррупции в Республике Казахстан: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – С. 251.

¹⁰ Абдиров Н.М., Кобзарев Ф.М. Координационная деятельность прокуратуры Республики Казахстан по противодействию коррупции: опыт правового и организационного обеспечения // Вестн. Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – 2015. – №5 (49). – С. 47-56.

¹¹ Patrick Meagher. Anti-Corruption Agencies: A Review of Experience. Office of democracy and governance Anticorruption. (https://pdf.usaid.gov/pdf_docs/Pnadm208.pdf)

¹² Пўлатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан кунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент тезкор босмахонаси, 2007. - 312 б.

¹³ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 884 б.

¹⁴ Ибрагимов З.С. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти Республики Узбекистан : автореферат дис. ... кандидата юридических наук : 12.00.01.- Ташкент, 1997.

¹⁵ Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-62 б.

Бироқ, мамлакатдаги мавжуд воқеликлар, ижтимоий-сиёсий ҳолат ва янги қонунчилик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, мазкур масала бўйича мамлакатимизда махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шу билан бирга, юқорида олиб борилган илмий тадқиқотларда тўхталиб ўтилган масалаларга қарамасдан, айтиш лозимки, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидан далолат беради ва бу мавзунини Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида атрофлича тадқиқот иши сифатида танланишига ҳам сабаб бўлади.

Тадқиқот ишининг мақсади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни ўрганиш, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни мазмун-моҳияти бўйича назарий ва амалий ёндашувларни ўрганиш, бу борадаги зиддиятларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- мувофиқлаштириш фаолиятининг мақсад, вазифалари, тамойиллари ва ҳуқуқий асосларини аниқлаш ва очиқ бериш;

- мувофиқлаштириш предмети ва чегараларини аниқлаш масаласини ҳал қилиш йўллариини таклиф этиш;

- мувофиқлаштириш фаолияти иштирокчилари (субъектлари) ни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиш;

- мувофиқлаштириш фаолияти амалиётини таҳлил қилиш ва ушбу фаолият учун ташкилий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий тенденцияларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги халқаро тавсияларнинг таҳлилини ўрганиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат ва маҳаллий ҳокимият органларида коррупция жиноятлари содир этилишига қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини белгиловчи омилларни аниқланг;

- Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришнинг муҳим асосларини очиқ бериш, мавжуд бўшлиқларни кўрсатиб бериш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришнинг бугунги кундаги зарурлигини асослаб бериш;

- Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг социологик сўрови орқали олинган маълумотларга асосланиб, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар миллий қонунчилигини таҳлил қилиб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши кураш фаолиятни амалга оширишдаги ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш йўллари ва воситаларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ назарий, ҳуқуқий ва институционал масалалардир.

Тадқиқот методи. Тадқиқотни олиб боришда мантиқий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг ишининг илмий янгилиги қуйидагича:

- “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш” тушунчасининг муаллиф таърифи мавжуд назариялар ва таълимотлар асосида ишлаб чиқилган;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги халқаро стандартлар таҳлил қилинган;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни институционал ривожланишининг таҳлил қилинган;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон

қонунчилигини ҳар томонлама ўрганиш ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган;

- муаллиф томонидан мустақил социологик сўров ўтказилган ва унинг натижаларидан тадқиқот ишида фойдаланилган;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид 70 дан ортиқ илмий-ҳуқуқий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқот ишида фойдаланилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг миллий қонунчилиги, илмий адабиётлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг расмий манбаларидан олинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда келтирилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларни кейинги илмий фаолиятда, ҳуқуқшуносликда ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида қўллаш имконини беради.

Шунингдек, ушбу соҳадаги тегишли қонунчиликни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, “жиноят ҳуқуқи”, “прокурор назорати”, “суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар” фанларининг илмий-назарий асослари қаторида фойдаланиш мумкин.

Диссертация тадқиқотларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, шакллантирилган хулоса ва таклифлар прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришда, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларда қонунчиликда ва ҳуқуқий амалиётда қўлланилиши мумкин.

Диссертация тадқиқотлари натижаларини тасдиқлаш. Ҳозирги кунда 3 та илмий мақола ва 1 та тезис китоб ва электрон шаклларда чоп этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми титул varaқ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 82 бетни ташкил этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 2.4-бандида (Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш) жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш ва коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, 2.5-бандида (Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш масалаларига ҳам мувофиқ ҳисобланади.

I-БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИКЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсади, вазифалари, асосий принциплари ва шакллари

Инсоният пайдо бўлгандан буён жиноятчилик унга доимий салбий ҳамроҳ сифатида ҳамма вақт жамиятга хавф туғдириб, курашиш шарт бўлган муаммо бўлиб келган. Жамият ривожланган сари жиноятчилик ҳам ривожланиб, унинг хавфлилик ва муаммолик даражаси ҳам ортиб боради.

Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “айниш”, “бузиш”, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан.

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”дир¹⁶.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 25 январда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза

¹⁶ Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. –Т.: “Шарқ”, 2001. - 656-б.

қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак”¹⁷ деб таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш ва унинг хавфли оқибатларини бартараф этиш ҳар бир давлат ва жамиятнинг асосий вазифаси бўлган. Давлат бу борада ўзининг қонунга асосан ташкил этилган органлари фаолиятини ташкил этиш ва коррупцияга қарши курашиш фаолияти борасида тегишли қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан ўз вазифаларини бажариб келади.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлатнинг ҳуқуқий тизимини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий функцияларни бажариш учун тузилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мамлакатдаги ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш билан бирга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш вазифаларини бажаради.

Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилиши ва муайян самарадорликка эришишларида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим ўрин тутаяди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупция ва бошқа жиноятларга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати аксарият ҳолларда давлатнинг қонунчилик назорати ваколати берилган органи томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос-олимлари, жумладан, Б.Х.Пўлатов, О.М.Мадалиев ва З.С.Ибрагимовлар томонидан прокуратура органларининг умумий ваколатлари доирасида ўрганилган.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Ю.В.Капитанова фикрича “Ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлис палаталарига йўллаган мурожаатномаси. “UzA”, 2020 йил 25 январ.

органлари жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини ўз зиммасига ололмайди”¹⁸.

Яна бир олим А.В.Кудашкин эса “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир”¹⁹ деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланган прокуратура, Департамент, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, адлия вазирлиги ва бошқа идораларга коррупцияга қарши кураш ва уни олдини олиш борасида ҳар қайсига ўзига хос махсус вазифалар юкланган ва улар алоҳида махсус ваколатли орган сифатида қонунларда белгиланган тартибда ўз вазифаларини мустақил равишда ўзлари белгилайдилар ва амалга оширадилар.

Бундай ҳолатда улар ишидаги фарқлилик ва такрорланишларни бартараф этишга, ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликка, жумладан коррупцияга қарши курашнинг ягона фронтини вужудга келтиришга, бу курашни аниқ ва режали асосда олиб боришга зарурат тақозо қилади.

Тан олиш лозимки, коррупция қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий характердаги кўп факторлар билан белгиланадиган мураккаб ижтимоий воқеликни намоён этади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари коррупцияга қарши кураш бўйича келишилган чора-тадбирлар дастури ва режаларини ўз вақтида, самарали татбиқ қилиш орқалигина юқоридаги вазифаларни муваффақиятли бажаришлари мумкин.

¹⁸ Капитонова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Рос. Федерации. – М., 2002. – С. 21.

¹⁹ Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [Электронный ресурс]. URL: [http:// www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/](http://www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/) (дата обращения: 01.07.2017)

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат шу йўл билангина жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ва уларни олдини олишда ижобий натижаларга эришишлари мумкин.

Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлашга шароит яратади. Бинобарин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш фаолиятлари ҳолати ҳақидаги тўлиқ ахборотни олишлари, йўл қўйилган хато-камчиликлар, қонун бузилишларига қарши ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларни олдини олиш имкониятларини яхшилайдди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда прокуратуранинг раҳбарлик роли ҳақида сўз юритилганда, прокуратура бу органлар устидан ташкилий раҳбарликни амалга оширади ёки уларга нисбатан қандайдир имтиёзга эга деган маънони англатмайди. Бу органларнинг ҳар бири, бир биридан тўлиқ мустақил ҳолда, ўзига хос вазифаларни бажаради.

Юқоридагиларни таҳлилдан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни, биринчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати борасида ва иккинчидан эса, коррупцион жиноятларни фош этиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолият сифатида тушуниш мумкин.

Мувофиқлаштиришнинг моҳияти қонун талабларида назарда тутилган ўзаро келишув, умумий мақсадга эришиш учун мамлакатдаги ваколатли органларнинг фаолиятини тартибга солишдан иборатдир.

Прокуратура, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, адлия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумий мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, ўз фаолиятларини бир-биридан, ҳар бир органнинг ўзига хос шакллари ва усулларида мустақил равишда амалга оширади.

Мувофиқлаштириш орқали коррупцияга қарши курашишда барча ваколатли органларнинг кучлари бирлаштирилади ва самарадорликка эришилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш тегишли ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида қурилади, бунда ҳар бир органнинг асосий вазифаси ва фаолият принципларига қатъий риоя этишлик, ўзаро муносабатларда келишув ва тартибга солинган қоидалар асосида ҳаракатланиш талаб этилади.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, жиноий фаолият кўринишларининг ўз вақтида олдини олиш, уни тўхтатиш, аниқлаш ҳамда фош этиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиш омилларини бартараф этиш, зарарсизлантириш, содир этилган ҳар бир коррупцион жиноятни тезкорлик билан очиш, уни ҳар томонлама тўла ва ҳолисона тергов қилиш, коррупцион жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни ўз вақтида жамиятдан ажратиш, жиноят содир этган шахсга нисбатан қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқариш, суд қарорларини ижрога қаратиш ва ижро қилиш, шунингдек жиноятнинг сабаблари, уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини кўришга қаратилган тадбирларни келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий мақсадидир.

Мувофиқлаштиришнинг мазмунини коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ мақсадни белгилаш, режалаштириш, башорат қилиш, ташкил қилиш ва вазифани амалга ошириш тартибини белгилаб олишдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши фаолиятини мувофиқлаштириш қуйидаги принципларга асосланади:

- мувофиқлаштириш фаолияти субъектларининг мустақиллиги ва тенглиги;

- ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирларни тадбиқ қилишда субъектларнинг процессуал мустақиллиги;

- коррупцияга қарши курашда ўзларининг процессуал ва тезкор-тактик ваколатлари хусусиятларини сақлаган ҳолда, умумий мақсадга эришишга интилиш;

- коррупцион жиноятлар бўйича қидирув характеридаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилишда қонун ва жиноят процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш;

- коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кучини бирлаштириш орқали, қисқа муддатларда куч ва процессуал воситаларини ортиқча сарфланмасдан юқори натижаларга эришиш;

- коррупцияга қарши курашга йўналтирилган координал тадбирларни амалга оширишда режавийликни, мақсадга эришиш ва самарадорликни таъминлаш;

- жиддий ҳуқуқий муаммоларни, ишда такрорланишни, юзага келадиган масалаларни ҳал қилишда маҳаллийчилик ва соҳовий ёндашувни баратараф этиш масалаларини ҳал қилишда ягона ёндашув белгиланишига асосланади.

Рус олими И.Г.Корзун “Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг ҳуқуқларини тенглиги”²⁰ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий принципларидан бири деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, марказда ва жойларда мунтазам фаолият кўрсатувчи маслаҳат органи бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби прокуратура, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, адлия вазирлиги ва ҳуқуқни

²⁰ Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14

муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг республика, вилоятлар, шаҳар ва туман раҳбарларидан ташкил топади.

Мувофиқлаштириш кенгаш йиғилишлари олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Кенгаш режасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамма органлар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган ва уларнинг имкониятларини кучайтиришни талаб қиладиган, муҳим, долзарб муаммолар киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларига суд, адлия органлари, давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилот, назорат қилувчи органлар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли орган вакилларида тузилган ишчи гуруҳи томонидан тайёрланади. Ишчи гуруҳи фаолиятига бошқа идораларнинг, шунингдек, илмий текшириш, ўқув муассасаларининг мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори, унинг барча аъзолари томонидан маъқулангандан сўнг қабул қилинган ҳисобланади. Кенгаш материаллари, киритилган масалалар муҳокамаси баённомада қайд қилинади. Баённома кенгаш аъзоларига юборилади. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат (қарор, ахборотнома, йўналтирувчи хат, методик кўрсатмалар) аъзолар томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган қарорнинг ижроси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари бўлмиш Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси томонидан таъминланади.

Кенгаш раиси (тегишли прокуратура органининг раҳбари) ташкилий характердаги алоҳида ваколатларга эга. У кенгаш аъзолари билан келишган ҳолда навбатдаги ва навбатдан ташқари йиғилишлар чақиради ва йиғилишни олиб боради.

Коррупцияга қарши курашишда ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ва аниқ бажарилиши учун жавобгардир.

Мувофиқлаштириш фаолиятининг узлуксизлиги ва барқарорлиги коррупцияга қарши курашишда энг муҳим ва таъсирчан йўналишларда амалга оширилишида намоён бўлади.

Коррупциянинг кўринишларига қарши курашишда самарадорликка эришида барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйи ҳаракатларини, куч ва воситаларини бирлаштириш, иш фаолиятларида такрорланишларни олдини олиш, коррупцион жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш, тергов олиб бориш ва профилатика қилишда мамлакатдаги қонунчилик талабларига қаъий риоя қилиш ва бир мақсад йўлида ҳаракатланиш мувофиқлаштиришнинг мақсади ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш коррупциянинг ҳолати, унинг тузилиши ва динамикасини ҳар томонлама таҳлил қилиш, ривожланиш тенденцияларини прогноз қилиш, коррупцион жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш, тергов олиб бориш ва профилатика қилиш амалиётини ўрганишга қаратилиши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштиришни қўйидаги шакллари амалиётда қўлланиб келинмоқда:

- аниқ муддатга мўлжалланган мувофиқлаштирувчи фаолият режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоралараро йиғилишларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- жойларга чиқиб текширишлар ўтказиш ва коррупция ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашни ташкил қилишда маҳаллий органларга ёрдам кўрсатиш;

- муайян коррупцион жиноятларни тергов учун тергов ва операцион гуруҳларни тузиш, улар фаолиятини назорат қилиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органларни ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

- коррупцияга қарши курашни ташкил қилиш юзасидан ҳамкорликда режалар тузиш ва тадбирлар ўтказиш;

- ҳамкорликда ахборот хатлари, методик тавсиялар, тўпламлар ишлаб чиқиш ва жойларга юбориш;

- коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масалалари бўйича ахборот алмашиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касб маҳорати, малакасини ошириш мақсадида ҳамкорликда ўқув, амалий машғулотлар, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ташкил қилиш ва ўтказиш;

- суд ва адлия органлари билан ҳамкорлик;

- хориж давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик.

Юқорида кўрсатилганлар ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Чунки, мувофиқлаштирувчи кенгашда коррупциядан ташқари бошқа жиноятчилик турларига оид масалалар доимий равишда муҳокама қилинади ва улар бўйича амалий тадбирлар қўлланилади.

Мувофиқлаштируви кенгаш йиғилишларини прокурор бошқаради, у зарур бўлган ҳолларда ва режада кўрсатилган муддатларда кенгаш йиғилишини чақиради. Кенгаш ишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан ташқари ҳокимият вакиллари, идоралар, жамоат бирлашмалари, назорат қилувчи органлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Йиғилишда барча масалаларни муҳокама қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари, яъни мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори унинг ижроси юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари томонидан маъқулланган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради. Кейинчалик қарор ижросида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг тегишли буйруқлари, кўрсатма, фармойиш ёки бошқа ташкилий-маъмурий чора-тадбирларни бериш йўли билан амалга оширилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари улар раҳбарлик қилаётган органларнинг ваколат доирасига таъллуқли бўлган қисмдаги қарорларни бажарилишини таъминлайди.

Шунингдек, прокурорларга мувофиқлаштирувчи кенгашларни чақириш ва уларга раҳбарлик қилиш ваколоти берилганлиги туфайли, мувофиқлаштирувчи кенгашнинг раҳбари сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга ва бошқа турдаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини қонун талабларига асосан мувофиқлаштириш фаолиятини ташкил этиш, ушбу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларида иборат бўлган таркибда ишчи гуруҳларни ташкил этиш, мувофиқлаштирувчи кенгаш котибини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш, кенгашда ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши аҳволи юзасидан маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Лекин, амалиётда айрим жойларда мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларни ўтказилишига кам аҳамият берилиши кузатилади.

Баъзида йиғилишлар номига ва юзаки ўтказилиб, қарорларни ижрога қаратилишида бир қанча сусткашликлар мавжуд. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишлари асосан прокуратура органлари ташаббуси билан ўтказилади. Бошқа органлар мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишларида актив иштирок этишмайди. Улар йиғилишда иштирок этиш билан чекланишади.

Иш режалари ҳам прокуратура органи томонидан тайёрланади, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз таклифлари билан деярли чиқишмайди. Жойларда ишчи гуруҳлари ва Кенгаш котибияти ҳамма вақт ҳам тузилмайди. Қарорлар ижросига бошқа органлар жавобгарликни чуқур ҳис этмаслик ва унинг ижроси бўйича талаб даражасидаги назоратни олиб бормаслик ҳолатлари мавжуд. Бу эса кенгаш ишининг самарадорлиги ҳамда коррупция ва бошқа жиноятларга қарши кураш ва унинг олдини олишда ўз таъсирини кўрсатмасидан қолмайди.

Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий натижалари ва кўрсаткичлари тегишли органларнинг ўзидагина қолиб кетмоқда. Фикримизча, улардан жамоатчилик ва бошқа ташкилотларни хабардор қилиш, уларнинг фикрини инобатга олиш ва самарадор бўлишини таъминлаш учун давлат ва бошқа сирларни ташкил этмайдиган маълумотларни очиқлигини таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш айнан прокуратура органларига юклатилган.

Прокуратура органлари ўзининг конституциявий мақомига кўра ҳуқуқни муҳофаса қилувчи органлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди.

Прокуратура органларининг мувофиқлаштирувчи ролининг бош вазифаси жиноятчилик даражасини камайтириш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкун бераётган шарт-шароитларни бартараф этишда ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш ишларида мамлакатимиз раҳбариятига ёрдам беришдан иборат.

Прокурор назорати объектига ички ишлар, хавфсизлик, адлия, солиқ, божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар киради. Прокуратура идоралари бу органларда қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошира туриб, уларнинг иш фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар. Айнан прокуратурада қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот, туман, шаҳар, вилоят ва республикадаги жиноятчилик ҳолати структураси ва динамикаси даражаси ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Прокуратура органлари раҳбарлари суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан аниқ жиноятни фош этиш ва тергов қилиш фаолиятининг натижалари, жиноят ишлари бўйича чиқарилган суд ҳукмлари, ажрим ва қарорларини ижро этиш ҳақидаги якуний натижалар хусусидаги маълумотлага эгалар ва уларни яхши биладилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ ўз иш фаолиятларининг якуний натижалари ҳақидаги маълумотларга ҳамма ҳолатда ҳам эга бўлмайдилар. Прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа органлардан фарқи шундаки,

прокуратурада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги қонунларга риоя қилиниши ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 26 февралдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғида, 2010 йил 29 октябрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси материаллари ва қарорида ҳамда 2011 йил 9 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш юзасидан” кўрсатмасида бу масалага оид раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 28 августда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”га қўшилди²¹ ва давлатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратила бошлади.

2010 йилда эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракати дастурига қўшилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори²²га асосан Ўзбекистонда Коррупцияга

²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори., 2017 йил

қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси унинг ишчи органи сифатида белгиланди.

2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” тасдиқланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда биринчи марта “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” ва “манфаатлар тўқнашуви” каби тушунчаларнинг расмий-ҳуқуқий таърифи белгиланди.

Қонунинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга ошируви давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кўрсатилди²³.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш борасида умумий ваколатлар билан бир қаторда ҳар бир давлат органининг ўзига хос ваколатлари ҳам белгиланган бўлиб, ушбу ваколатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функция ва вазифаларидан келиб чиқади.

Жумладан, **давлат хавфсизлик хизмати органлари** коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади, коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги

2 февраль, ПҚ-2752-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон

ахборотни миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, **ички ишлар органлари** коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди, **адлия органлари** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказди, жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг

коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги асосий ваколатлари белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади, **коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради**²⁴ деб белгиланган.

Бош прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштириш ваколати прокуратура органларининг конституциявий ваколатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан, статистика маълумотларини талаб

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 й., 2-сон, 47-модда

килиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади”²⁵ деб кўрсатилган.

Юқоридаги қонунлар талабидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва прокуратура органлари коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти сифатида мувофиқлаштиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактикасини ташкил этиш фаолияти борасидаги мувофиқлаштириш ҳам муҳимдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2833-сонли қарори²⁶ мувофиқлаштириш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мазкур қарорда нафақат коррупцияга оид, балким, барча турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. (янги таҳрир) Тошкент ш., 2001 йил 29 август, 257-II-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2833-сонли қарори, 2017 йил 14 март//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон

чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги алоҳида таъкидланган.

Ҳукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Қарорда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш ҳақидаги таклиф қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиялари бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланган.

Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятларида қонунийликни мустаҳкамлашга шароит яратади. Бинобарин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш фаолиятлари ҳолати ҳақидаги тўлиқ ахборотни олишлари, йўл қўйилган хато-камчиликлар, қонун бузилишларига қарши ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларни олдини олиш имкониятларини яхшилайти.

Прокуратура, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, адлия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумий мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, ўз фаолиятларини бир-биридан, ҳар бир органнинг ўзига хос шакллари ва усулларидан мустақил равишда амалга оширади.

Мувофиқлаштириш орқали коррупцияга қарши курашишда барча ваколатли органларнинг кучларини бирлаштирилиши натижасида самарадорликка эришилади.

Юқоридаги баён этилганларга қарамасдан мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш етарли даражада таъминланмаяпти.

Вазиятнинг бу ҳолатга келишидаги энг асосий сабаблардан бири мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ тартибот органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни қандай тартибда амалга оширишни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.

Фикримизча, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида “Жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур қонун қабул қилиниши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашишининг асосий принциплари, йўналишлари белгилаб берилиши, ушбу принципларга ва йўналишларга риоя қилингани ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиши, даврий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари, аниқ йўналтирилган режалар тизими ишлаб чиқилиши, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмнинг яратилиши таъминланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда бу органлар ўзининг процессуал

мустақиллигини, ўзига хос принципларини ва ишни ташкил қилиш шароитларини йўқотмайди, балки уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган ваколатлар ва функциялар доирасида ўз олдида қўйилган вазифаларни бажаришади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни олиб борадиган прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари иш юритувига қайси жиноятлар тегишлилиги белгиланган.

Бироқ, Жиноят кодексидagi айнан қайси моддаларида белгиланган жиноятлар коррупциявий жиноятлар деб ҳисобланиши белгиланмаган.

Фикримизча, коррупция жиноятининг қонунда аниқ ҳуқуқий таърифини бериш ва айнан қайси турдаги жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида ҳисобланишини мустаҳкамлаш лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш хориж мамлакатларида ҳар хил тузилмалар томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура ёки алоҳида орган томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январда Олий Мажлис палаталарига йўллаган мурожаатномасида ҳамда 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда парламент ва Президент олдида ҳисобдор алоҳида коррупцияга қарши курашувчи мустақил орган тузиш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, “Жаҳоннинг кўплаб барқарор ва тараққий этган мамлакатларида ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида

органлар давлат ва жамият равнақига катта ҳисса қўшаётганлиги”²⁷ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев томонидан ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллариининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилди.

Янги тузилмани яратиш ва унинг ваколатларини белгилаш орқали давлатимизнинг кўплаб қонунлари ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши табиий, албатта.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистоннинг ҳаётида коррупцияни олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига қарши курашишда муҳим асос бўлиши зарурдир.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини

²⁷ Йўлдошев Н.Т. “Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати”//<http://huquq.uz/korruptsiyaga-arshi-kurash-fu-arolarining-u-u-lari-va-onuniy-manfaatlarini-imoya-ilishning-mu-im-kafolati/>

мувофиқлаштиришни самарадорлигини таъминлашда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан: коррупцияга қарши курашишда республикамиздаги барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича “Жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйи ҳаракатларини, куч ва воситаларини бирлаштириш, иш фаолиятларида такрорланишларни олдини олиш, коррупцион жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш, тергов олиб бориш ва профилатика қилишни энг муҳим ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш лозим.

иккинчидан: коррупция жиноятининг қонунда аниқ ҳуқуқий таърифини бериш ва айнан қайси турдаги жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида ҳисобланишини мустаҳкамлаш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида қонунчиликда аниқ белгиланган коррупциявий жиноятларни фош этиш ва олдини олиш бўйича ишларни ташкиллаштириши лозим.

учинчидан: коррупцияга қарши курашувчи алоҳида мустақил органнинг молиявий ва меҳнат ресурлари билан таъминланиши, унинг мониторинг фаолияти, холис ва шаффоф баҳолаш тизими миллий қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим. Мувофиқлаштириш фаолиятини амалга оширувчи орган нафақат ҳуқуқий, балки, иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақил бўлиши, барча куч ва воситаларга эга бўлиши керак.

тўртинчидан: коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини кучайтириш, уларга мувофиқлаштириш натижаларига алоқадор маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, жамоатчилик назоратини таъминлашнинг аниқ тизимини яратиш лозим.

II-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг институционал ривожланиши

Коррупциянинг кенг қамровли тушунчадан иборатлиги ва аҳамияти жиҳатидан, шунингдек, қонунчиликда белгиланишидан Ўзбекистонда унга қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам институционал асосларига эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11-моддасига асосан ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асоланади.

Конституцияда коррупцияга қарши кураш тўғрисида алоҳида бир модда мавжуд бўлмасада, аммо Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг институционал тизими ҳақида тўхталиб ўтганда, дастлаб Президентлик институти тўғрисида фикр юритиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 89-моддасига биноан “давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бир қатор асосий ваколатлари билан биргаликда давлатда коррупциявий қонунбузарликларни олдини

олишга қаратилган ваколатларга эга. Жумладан, Президент Конституциянинг 93-моддасига асосан:

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ҳамда уни истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда лавозимидан озод қилади;

республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қилади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Барча даражадаги давлат органлари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида 2016 йил 28 декабрьда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Коррупцияга қарши кураш борасида давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назоратининг аҳамияти ниҳоят муҳим.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширишни белгилайди.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ вақти-вақти билан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади. Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ўрганиш давомида давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор

шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосаларини, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни сўраб олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусига асосан 2019 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмита ташкил этилди. Коррупцияга қарши давлат сиёсатини белгилаш, тегишли қонунчилик актларини такомиллаштириш ҳамда соҳага оид мансабдор шахслар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркибида ҳам Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмита ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” Қонуни²⁸га асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамаси самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгардир. Вазирлар Маҳкамасининг жуда кўплаб ваколатлари бўлиб, коррупцияни олдини олишга бевосита қаратилган бўлмасада, деярли барчаси билвосита қаратилгандир. Масалан, давлат бошқаруви усулларини такомиллаштириши, шу жумладан электрон ҳукумат принциплари асосида, бозор принципларига асосланган хўжалик бошқаруви ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини рағбатлантириши; давлат бошқаруви

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни. Тошкент ш., 2019 йил 10 декабрь, ЎРҚ-591-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон

тузилмасини такомиллаштириши; таълим тизимини ривожлантириши, унинг сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлаши; соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириши, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириши, ва кўплаб бошқа ваколатлар.

Коррупцион жиноятларни олдини олишда ҳуқуқбузарлик профилактикасининг ўрни ниҳоят муҳим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрни ўзига хосдир.

Қонуннинг 18-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг жамоат тартибини сақлаш, давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари берилган бўлиб, унга кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайди.

41-моддага кўра Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар фаолиятини молиявий ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар раҳбарлари мазкур органлар ҳамда тузилмаларнинг фаолиятига доир масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсатининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

2014 йил 4 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-сонли қарори²⁹ қабул қилинган.

Мазур қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шакли ва расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тасдиқланган.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга оширувчи институционал тизимлардан энг муҳими бу, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг (янги таҳрири) 2-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарори., 2017 йил 7 февраль, ВМҚ-60-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 79-модда

устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир.

Бугунги кунда Бош прокуратура тизимида коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан бевосита шуғулланадиган қуйидаги таркибий тузилмалар – Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, Бош прокуратура Академиясининг Коррупцияга қарши курашиш илмий ва ўқув маркази фаолият олиб бормоқда.

Бош прокуратура Академияси олдида давлатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича малакасини ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, магистратура негизда “Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши бўйича тор доирадаги мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамызда биринчи бўлиб “12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура”, шунингдек 12.00.12 – “Коррупция муаммолари” мутахассисликлари бўйича илмий даражаларини бериш бўйича илмий кенгашлар фаолияти айнан Академияда ташкил этилган.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида Академия ташаббуси билан ҳуқуқ фани тарихида биринчи марта ТДЮУ, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, ИИВ Академияси, Миллий гвардия ХТИ, ДХХ институти, ДБҚ Божхона институти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва ДСК ҳузуридаги Малака ошириш марказидан ташкил топган Илмий-тадқиқот консорциуми ташкил этилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонида ҳам Коррупцияга қарши курашиш агентлигига биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни

ўрганишни камраб оловчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олишлари белгиланди.

Юқоридагиларга кўра Академия коррупцияга қарши курашиш борасида ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Бош прокуратурадаги таркибий тармоқ бўлган Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ишчи органи сифатида фаолият юритиб келди.

2017 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2752 сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2017-2020 йиллар давомида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида ҳисобланиб келинди.

Комиссиянинг мувофиқлаштириш борасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган³⁰:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори., 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш.

Жумладан, 2017-2019 йилларда Бош прокуратурада Республика идоралараро комиссиясининг 5 та, 2020 йилда 2 марта йиғилиши ўтказилган.

Комиссиянинг 2017 йил 30 мартда ўтказилган 1-йиғилиши қарори билан “2017-2018 йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар тайёрлаш бўйича” амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Комиссиянинг 2019 йил 15 июнда ўтказилган 5-йиғилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш юзаки амалга оширилиб келинганлиги, бу борадаги амалга оширилган ишларнинг натижалари бирор марта ҳам оммага тақдим қилинмаганлиги эътироф этилган. Комиссиянинг 2019 йил 25 декабрда ўтказилган 6-йиғилиши Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилган вазифалар масалаларига бағишланган. Комиссиянинг 2020 йил 18 январда ўтказилган 7-йиғилиши олий таълим соҳасида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилган вазифалар масалаларига бағишланган.

Комиссия томонидан олиб борилган ишлар бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ўз қарашлари билдирилиб келинган.

Жумладан, ю.ф.д., профессор Б.И.Исмаилов мавжуд идоралараро комиссия иши ўз натижадорлигини кўрсатмаганлигини, коррупцияга қарши тузилмаларнинг бир нечта давлат идораларида фаолият кўрсатиши

бир-бирининг фаолият ва ваколатларини такрорласа, иккинчи жиҳатдан битта идорада ҳам ушбу тузилма ва тергов органининг фаолият юритиши ўз-ўзидан шу органга судлар фаолиятига таъсир этиш механизмини тақдим этишини, судлар мустақиллигига путур етишини, пировардида эса одил судловни тўла таъминлаш қийинлашади деб ҳисоблайди.

Б.И.Исмаиловнинг фикрича “коррупцияга қарши курашувчи яхлит давлат идораси нафақат коррупцияга қарши кураш, балки, унинг оқибатлари, келиб чиқиш омилларини бартараф этиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларни мувофиқлаштириб борадиган, бу иллатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий томонларини илмга таянган ҳолда ечим излайдиган ташкилот сифатида тузилиши муҳим”³¹дир.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи мустақил Агентлик ёки бошқа тузилмани “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида алоҳида мувофиқлаштириш ваколатига эга орган”³² сифатида ҳисоблаш лозимдир.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг институционал ривожланишини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Коррупцияга қарши курашиш борасида прокурор назорати тушунчасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида прокурор назорати бу - прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари асосида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд бўлган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан катъий назар аниқ ва бир ҳилда қўлланилиши (бажарилиши)ни таъминлаш, жисмоний ва

³¹ Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-55 б.

³²Тадқиқот ишига илова қилинган

юрдик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қонун билан ўрнатилган тартибда бажариш ваколатини амалга ошириш борасидаги маҳсус фаолиятдир.

Таклиф этилаётган **“Коррупцияга қарши курашиш борасида прокурор назорати”** таърифи қуйидагилар билан изоҳланади:

- Конституциянинг 118-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш айнан прокуратура органларига юклатилган. Яъни “қонунлар” деган жумла мамлакатдаги барча қонунларни, жумладан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам назарда тутди;

- “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жинойтчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Яъни коррупцияга оид жинойтлар у хоҳ иқтисодий, хоҳ мансабдорлик жинойти бўлсин, бошқа жинойтлар каби ўзининг процессуал босқичларини бирма-бир босиб ўтади. Бунда прокурор ЖПКнинг 382-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади;

- “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддаси талабига кўра амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қонун билан ўрнатилган тартибда бажариш юзасидан прокурор таъсир чораларини (протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув) қўллайди.

2.2. Коррупцияга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигининг ташкилий масалалари

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аниқ мақсад йўлида фаолият олиб боришлари ҳамда самарали идоралараро ҳамкорликни амалга оширишларида асосий фигура давлатнинг ўзи бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги масалалари ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ёки қонун ости ҳужжатларида белгиланган.

БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг 48-моддаси³³га кўра ҳар бир иштирокчи давлат ўзларининг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасидаги самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашишлари назарда тутилган.

Шунингдек, иштирокчи давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувини ва лозим бўлган ҳолатларда, мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни аввалдан аниқлаш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштиришлари белгиланган.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда коррупцияга қарши курашни бевосита амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, мазкур органларнинг ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари уларнинг қуйидаги ваколатларида ўз аксини топади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

³³ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. Нью-Йорк, 31 октября 2003 года//https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғининг 3.3-бандида жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари, айниқса, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасига ҳамда жамоат хавфсизлигига қарши, шунингдек қасддан одам ўлдириш, одам савдоси, босқинчилик, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ва **коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирлари амалга оширилиши устидан прокурор назорати кучайтириш** белгиланган.

Диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг барча иштирокчилари, айниқса, ташкилотчи, раҳнамо ва ҳомийларини,

уларни молиялаштириш манбалари ва жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш усулларини фош этишда тергов ва тезкор-кидирув органларининг ҳамкорлиги таъминлаш назарда тутилган.

Прокурорларга коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, аҳолига қонун ҳужжатлари талабларини кенг тушунтириш ва бошқа тадбирлар орқали мансабдорлик билан боғлиқ жинойтларга қарши кўрашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриб бориш юклатилган.

Пора олиш-бериш ёки унда воситачилик қилиш билан боғлиқ жинойт иши кўзғатилишининг қонунийлиги, шахсни жавобгарликка тортиш асослари ва далилларнинг етарлилиги ўрганиб бориш, ноқонуний қарорлар ўз вақтида бекор қилиниши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ушбу соҳавий буйруқ билан коррупция, шу жумладан мансабдорлик жинойтлари ва уларга қарши кўрашиш ишлари аҳоли ҳар ярим йилда умумлаштириб борилиши белгиланган.

Бош прокуратура томонидан мансабдор шахслар томонидан содир этилган жинойтлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатган.

2020 йилнинг (2019 йил) 5 ойи давомида республика бўйича жами 327 (398) та жинойт иши бўйича 459 (537) нафар мансабдор шахслар жиной жавобгарликка тортилган.

Жинойти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 4 (25) нафари республика миқёсидаги, 13 (36) нафари вилоят ва 442 (476) нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган.

Жиной жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 180 (250) нафари ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 57 (71) нафари пора олиш (бериш) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 92 (51) нафари фирибгарлик, 7 (7) нафари мансаб сохтакорлиги, 8 (18) нафари ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш, 10 (4) нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 16 (23) нафари

мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва 89 (113) нафари бошқа жиноятларни содир этишган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 172,2 (1,6 трлн.) млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 114,2 (1,6 трлн.) млрд. сўми ёхуд 66 фоизи ундирилган.³⁴

“Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига кўра давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва давлат манфаатлари ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш ваколати юклатилган махсус ваколатли давлат органидир.

Давлат хавфсизлик хизмати давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш ҳамда тергови Давлат хавфсизлик хизмати ваколатига киритилган жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

³⁴ <https://t.me/uzbprokuratura>

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни, мазкур жиноятлар содир этилиши оқибатида етказиладиган иқтисодий зарарнинг қопланишини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органидир.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказди;

жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Шу ўринда, 2020 йил 22 февралда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши мамлакатда 2019 йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш аҳволи, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига бағишланганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунингдек, Бош прокуратура тегишли таркибий тармоғи томонидан 2019 йилда ички ишлар органларида жиноятчилик аҳволи, республикадаги криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш жараёнида қонунчиликка риоя қилиниши устидан прокурор назорати аҳволи умумлаштирилган.

Маълум бўлишича, биргина ўтган 2019 йилда ички ишлар органлари томонидан 52 та ҳолатда жиноят ҳақидаги аризани қайд этмаслик йўли билан жиноят яширилган.

Бундан ташқари, таҳлилларга кўра криминоген вазиятни барқарорлаштиришга масъул бўлган органлар томонидан **жиноятчиликни кескин камайтириш мақсадида** яққол жиноят аломати мавжуд бўлган ариза ва хабарлар юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакалаш орқали **жиноятлар ҳисобдан яшириш ҳолатлари учрамоқда.**

Хусусан, 2016 йилда **835 294** та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган бўлса, бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда ва 2019 йилда **1 514 871** та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **31,2** фоизга кўпайган.

Бош прокуратура ишчи гуруҳи томонидан 2019 йилнинг ноябрь ойида ҳудудларда ўтказилган қисқа муддатли текширишларда, ички ишлар

органларининг **жами 974 та** ноқонуний қарорлари бекор қилиниб жиноят ишлари қўзғатилиши таъминланган.

Жумладан, бу каби қарорлар Фарғонада **15** тани, Навоийда **84**, Сирдарёда **118**, Тошкентда **123**, Андижонда **133**, Наманганда **501** та ташкил этган.

Мисол учун, 2019 йил 02 сентябрь куни Акбаров фуқаро Қўчқаровага пичоқ билан ҳужум қилиб, 300 минг сўм пули ва буюмларини олган.

Қуйичирчиқ тумани ИИБ профилактика инспектори Нарбаев босқинчилик жинояти яққол кўриниб турган бўлсада, Қўчқаровадан Акбаровга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида тушунтириш хати олиб, жиноят иши қўзғатишни рад этган.

Қарор вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, ЖКнинг 164-моддаси билан жиноят иши қўзғатилгач, Акбаровга айблов эълон қилиниши ва “қамоққа” олиниши таъминланган.

Шунингдек, профилактика инспектори Нарбаевга ЖКнинг 241¹ ва 230¹-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Тезкор-қидирув соҳасида ҳам қатор тизимли камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Содир этилган умумий жиноятларнинг **2.498** таси ёки **12,2** фоизи, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятларнинг **2.148** таси ёки **8** фоизи фош этилмаган.

Фош этилмаган жиноятларнинг салмоғи Тошкент вилояти (22%), Навоий (11,9%), Жиззах (11,5%) ва Қашқадарё (10,4%) вилоятларида юқориликча қолган.

Жиноятларни фош этиш кўрсаткичлари ҳам ўта ишончсиз. Масалан, 2018 йилнинг маълумотларига кўра, жиноятларнинг фош этилиши Японияда **32%**, Германияда **35%**ни, бошқа Европа

давлатларида **35-50%**ни ташкил қилган. Ўзбекистонда эса, 2018 йилда **84%**, 2019 йилда **87.8%**ни ташкил қилган.

Шунингдек, мамлакат бўйича тергов ва суддан яширинган қидирувдаги жиноятчиларнинг **67,4 фоизи** ушланмасдан қолмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида **71** фоиз, Қашқадарёда **74**, Наманганда **77**, Андижонда **78 фоиз** қидирувдагилар ушланмаган³⁵.

Амалиётда жиноятларни марказлаштирилган ҳисобдан яширишга қуйидаги омиллар таъсир қилаётганлиги кўрсатилган:

– сунъий равишда статистик ҳисоботларни яхшилашга уриниш;
– ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий билим савиясининг етарли даражада эмаслиги (ҳужжатлар бўйича ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида терговга қадар текширувни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона олиб бориб, қонуний қарор қабул қилишда билимнинг етишмаслиги);

– жиноятларни фош этиш истиқболи мавжуд эмаслиги ва бу ҳолатлар статистик ҳисоботларга салбий таъсир кўрсатиши;

– фуқаролар ҳуқуқий онгининг етарли эмаслиги (ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқароларнинг аризаларида фактик ҳолатларни нотўғри қайд эттириш йўли билан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиш, масалан, ўғирланган буюмларни йўқотиб қўйганлиги ва ҳоказо);

– моддий ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлиги;

– фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида бевосита тўғридан-тўғри алоқа тизимининг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, аксарият ҳолларда коррупция билан курашиш ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши кесин чоралар кўриш прокуратура ва ички ишлар органлари зиммасига тушади.

Қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса коррупцияга қарши

³⁵ Бош прокуратура 16-бошқармасининг 2019 йил якуни бўйича таҳлилий маълумотномаларидан.

курашнинг муайян йўналишларини таъминлайди.

Айнан шу масалада рус олими И.Г.Корзуннинг фикрича “Хуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ҳар бир органи ходимлари ўзларининг тор ваколатлари доирасида ёпилиб, ўзларини бошқа органлардан ажратишга интилишлари, бир-бирлари билан расмий маълумотлар алмашмасликлари ва бир хил объектларга нисбатан кўрилатган тезкор тадбирларни мувофиқлаштирмасликларига олиб келади, бу эса жиноятларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш натижаларига салбий таъсир кўрсатади”³⁶.

И.Г.Корзун “Ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларга қарши кураш борасидаги саъи-ҳаракатларни бирлаштириш ва уларни мувофиқлаштириш ишларида иштирок этиш мажбуриятини кучайтиришни қонунларда мустаҳкамлаш зарур” деб ҳисоблайди.

Фикримизча, мувофиқлаштириш ва уни ташкил этувчи элементларнинг аниқ ҳуқуқий асосини қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим.

Ўзбекистонда ҳам жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ишида иштирок этаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари асосан ташкилий характер касб этишини кўрамыз.

Яъни, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинотчилик ва коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартиблари, йўналишлари ва принциплари ўзининг аниқ ҳуқуқий асосига эга эмас.

Бугунги кунда нафақат коррупция, балки бошқа жиноятчилик турларига қарши курашиш борасида мувофиқлаштиришни амалга ошириб келаётган прокуратура органлари асосан амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар, ноаниқликлар, низоларни ҳал қилиш, муайян ҳуқуқий

³⁶ Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14

нормаларни қўллаш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун қарорларни биргаликда қабул қилиш имкониятларидан фойдаланмоқдалар.

Коррупцияга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигининг ташкилий масалалари мувофиқлаштириш йўналишлари билан мувофиқ келади.

Жумладан:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг биргаликда вилоятлар, шаҳар ва туманларга чиқиб текширишлар ўтказиши ва жиноятчиликка қарши курашишга амалий ёрдам кўрсатиши;

- муайян бир жиноятни фош этиш мақсадида тезкор-тергов гуруҳини тузиш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш юзасидан ҳамкорликдаги режаларни тузиш;

- ҳамкорликда буйруқлар, кўрсатмалар, йўналтирувчи ахборот хатлар ва методик тавсияларни ишлаб чиқиб амалий фаолиятда фойдаланиш учун юбориш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари касб-маҳорати, малакасини ошириш мақсадида ҳамкорликда ўқув семинарлари, конференциялар ташкил қилиши ва ўтказиши;

- жиноятчиликка қарши кураш фаолияти юзасидан ўзаро ахборот алмашуви;

- жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш жараёнида шахсий хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро ёрдам бериш, қонунларга риоя қилиш юзасидан биргаликда текширишлар ўтказиш ва бошқалар.

Фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан самарали идоралараро ҳамкорлик механизмларини амалга ошириш, жумладан, идоралараро ахборот тўплаш (разведка) марказлари ҳамда идоралараро стажировка ва ротация фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг судлар билан ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Аксарият коррупцияга алоқадор жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар натижаси судда ҳал бўлишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, жиноят ёки ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг кейинги аҳволидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли тарзда хабардор эмаслар.

Яъни, коррупцион қилишни содир этган мансабдор шахс ёки бошқа шахс суд томонидан қўлланилмаган айрим таъсир чоралари эвазига ўзларининг кейинги қилмишларини давом эттиришларига замин яратилишига олиб келмоқда.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали идоралараро ҳамкорлигини таъминлаш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш ишларида судларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ахлоқий қоидалар³⁷ининг 7-моддасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг коррупцияга қўл урмасликлари, улар бундай қонунбузарликларга қарши курашишлари лозимлиги белгиланган.

Ички ишлар органлари бугунги кунда асосий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири бўлсада, давлатнинг ижро ҳокимияти қўлидаги муҳим воситага айлангани, яъни ҳукумат ушбу тизимдан ўз вазифаларини бажаришда кенг фойдаланишини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу ҳолат нафақат самарали идоралараро ҳамкорликни сусайтиради, балки тизимнинг ўз ходимлари ўртасида ҳам коррупциянинг тарқалишига олиб келмоқда.

Фикримизча, ички ишлар органларини жойлардаги айрим мансабдор шахсларнинг таъсири доирасидан холи қилиш, мустақил фаолият кўрсатишига қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

³⁷ <http://fayllar.org/qonunchilar-uchun-qollanma-5--2003-xavfsizlik-sohasi-ustidan-p.html?page=14>

**III-БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ
ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИКЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА**

**3.1. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини
мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бу орқали турли хил ҳуқуқий тизимлар доирасида мавжуд бўлган давлатлар органларининг ўзига хос томонлари ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Бош прокурори раҳбарлик қиладиган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси³⁸нинг асосий вазифаси ҳисобланиб, комиссия таркиби турли хил давлат органлари ва бошқа ташкилотлар аъзоларидан иборат.

БМТнинг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”нинг 36-моддасида ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ҳуқуқ-тартибот чоралари орқали коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёки шахслар бўлишини таъминлаши талаб этилади³⁹.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 й., 2-сон, 47-модда

³⁹ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. Нью-Йорк, 31 октября 2003 года//https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

Бугунги кунда дунёда 150 дан ортиқ коррупцияга қарши органлар мавжуд бўлиб⁴⁰, уларни коррупцияга қарши курашни ва мувофиқлаштиришни амалга оширувчи коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи агентликлар сифатида таснифлаш мумкин.

Мазкур органларни тузиш ва фаолият олиб бориши бўйича зарур бўлган асосий кўрсатмалар ва қоидалар бўйича ҳам халқаро стандартлар мавжуд.

Хусусан, 2012 йилда Жакартада ўтказилган учрашувда иштирокчи давлатлар томонидан “Коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида Жакарта баёноти”ни маъқулладилар.

Унда 16 та муҳим тамойиллардан иборат бўлган “Жакарта принциплари” зилган бўлиб, кейинчалик Халқаро коррупцияга қарши коррупцияга қарши органлар ассоциациясининг 2013 йилда бўлиб ўтган Панама конференциясида тасдиқланган.

“Жакарта принциплари”нинг биринчи асосий кўрсатмасида коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи орган коррупцияни олдини олиш, таълим бериш, хабардор этиш, тергов ва жиноий жавобгарликка тортиш масалалари билан шуғулланиш ваколатига эга бўлган бир ёки бир неча мувофиқлаштирилган институтлардан иборат бўлиши кераклиги белгиланган.

Коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи махсус органларнинг асосан уч хил моделини кўришимиз мумкин:

- Кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликлар⁴¹ (Сингапур, Австралия Ботсвана, Литва, Латвия, Қозоғистон, Корея, Таиланд, Аргентина);

⁴⁰ Samuel De Jaegere, «Принципы для антикоррупционных агентств: правила игры меняются» (2012) 1(1) Jindal Journal of Public Policy 79, 80.

⁴¹ Patrick Meagher. Anti-Corruption Agencies: A Review of Experience. Office of democracy and governance Anticorruption. (https://pdf.usaid.gov/pdf_docs/Pnadm208.pdf)

- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ваколатига эга бўлган идоралар⁴² (Испания, Руминия, Хорватия, Белгия, Норвегия, Буюк Британия);

- Коррупцияни олдини олиш, давлат сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича алоҳида институтлар⁴³ (Франция, Словения, Албания).

Кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликлар коррупцияга қарши курашишда тергов фаолияти, коррупциявий жиноятларни ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жамоатчилик билан ишлаш ҳамда коррупцияга қарши курашишда тегишли шахсларнинг саводхонлигини ошириш масалаларини ўзида мужассамлаштиради.

Мазкур моделга коррупцияга қарши Гонгконг мустақил комиссияси ва Сингапур коррупцияга қарши тергов бюроси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур тузилмалар коррупцияга қарши курашиш борасида мамлакатдаги исталган давлат органи ёки муассасасида текширув ўтказиш ваколатига эга.

Шунингдек, Жанубий Уэлс мустақил коррупцияга қарши комиссияси, Боцвана коррупция ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш идораси, Литва махсус тергов хизмати, Латвияда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси, Полшада марказий коррупцияга қарши бюроси ҳам ушбу модел асосида коррупцияга қарши курашишни амалга ошириб келишмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ваколатига эга бўлган идоралар коррупцияга қарши курашишда ихтисослашувнинг турли шакллари ўз ичига олади. Ушбу моделда коррупцияни аниқлаш, тергов

⁴² Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. — URL: (<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 10.04.2020)

⁴³ Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. — URL: (<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 10.04.2020)

қилиш ва бошқа масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатига эга бўлган турли хил органлар томонидан амалга оширилади.

Мазкур моделга Норвегиянинг иқтисодий ва экологик жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш бўйича миллий органи, Белгиянинг коррупцияга қарши кураш бўйича марказий идораси, Испаниянинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши махсус прокуратураси, Хорватиянинг коррупцияга қарши курашиш ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш идораси, Руминиянинг коррупцияга қарши миллий идораси, Венгрия марказий прокуратураси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Коррупцияни олдини олиш, давлат сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича алоҳида институтлар. Ушбу модел ўзининг субъектлари ва ваколатлари борасида бутун дунёда кенг тарқалган модел ҳисобланади. Ушбу моделнинг ҳам уч хил шаклини кўриш мумкин:

Коррупцияга қарши мувофиқлаштирувчи кенгашлар. Бундай тузилмалар, одатда, мамлакатда коррупцияга қарши курашни кучайтириш, хусусан, миллий коррупцияга қарши стратегияни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш учун тузилади. Коррупцияга қарши кенгашлар (комиссиялар ёки комиссиялар) масъул давлат органлари ва вазирликлардан, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг вакилларида иборат бўлиб, фуқаролик жамияти аъзоларидан иборат таркибда бўлиши мумкин. Коррупцияга қарши кенгашлар одатда доимий муассасалар тарзида ишламайди. Улар доимий котибиятлар томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин. Бунга мисол тариқасида Адлия вазирлиги котибияти томонидан қўллаб-қувватланадиган Грузияда коррупцияга қарши курашиш Кенгаши, Албанияда идоралараро ишчи гуруҳи ва Вазирлар Маҳкамасидаги котибиятини келтириш мумкин. Шунингдек, юқори даражадаги коррупцияга қарши кенгашлар Тожикистон, Украина ва Россияда ҳам мавжуд.

Коррупцияни олдини олиш бўйича алоҳида органлар. Бундай органлар доимий фаолият олиб боради, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ваколат доираси ҳам кенгроқ ҳисобланади.

Ушбу органлар коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегияларни мувофиқлаштириб боради, коррупция хавфи, давлат муассасалари ва секторлар учун бир хил бажарилиши керак бўлган режа-дастурларни бажарилишини назорат қилиб боради, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва лоббизмга қарши курашишни амалга оширади.

Ушбу моделга Словениянинг коррупцияни олдини олиш комиссияси, Черногориянинг коррупцияга қарши кураш бошқармаси, Сербиянинг коррупцияга қарши кураш агентлиги, Франциянинг коррупцияни олдини олиш бўйича марказий хизмати, Озарбайжоннинг коррупцияга қарши курашиш комиссиясини мисол қилиш мумкин.

Коррупцияни олдини олишга ёрдам берувчи давлат муассасалари ёхуд антикоррупциявий институтлар. Улар ўзининг тузилиши ва вазифасига кўра коррупцияга қарши курашишда иштирок этсада, аслида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатини амалга оширмайди.

Ушбу муассасалар давлатда коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, давлат хизматчиларининг ахлоқий қоидаларга риоя қилишларини назорат қилиш, давлат бошқарув органлари ва парламентда активлар декларацияси назорат қилиш каби вазифаларни бажаради.

Ушбу моделга Руминиядаги миллий ҳалоллик агентлиги, Нидерландиядаги ҳалоллик масалалари бўйича миллий бюроси, АҚШнинг ҳукумат ахлоқий идораси, Литвадаги бош расмий ахлоқ комиссияси, Буюк Британия жамоатчилик палатасидаги стандартлар бўйича парламент комиссари, Албанияда активларни декларация қилиш ва аудит бўйича олий инспекция, Италияда давлат бошқарувида баҳолаш, ошкоралик ва виждонлилик бўйича мустақил комиссияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳар бир давлатнинг ички қонунларида ёки коррупцияга қарши кураш бўйича миллий стратегияларида белгилаб қўйилади.

Хусусан, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор тажрибага эга бўлган Латвиядаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси ёхуд КНАВ (*Korupcijas novēršanas un apkarošanas birojs*)⁴⁴ Латвия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши кураш миллий стратегияси ва уни ўрта муддатли амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш билан бирга жинойт қонунида кўрсатилган ва жинойт-процессуал қонунга мувофиқ давлат хизматида коррупция билан боғлиқ жинойт жинойтларини аниқлаш ва тергов қилиш (Латвия Жинойт-процессуал кодекси 386-387-моддалари) ваколатини ҳам амалга оширади. Шунингдек, КНАВ коррупцияга қарши курашиш борасида Латвиянинг бошқа хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлигини ҳам мувофиқлаштиради.

Украинада эса “Украинанинг миллий коррупцияга қарши кураш бюроси”, “Коррупцияга қарши ихтисолаштирилган прокуратура” ва “Украина коррупциядан ва бошқа жинойтлардан олинган активларни идентификациялаш, назорат қилиш ва бошқариш бўйича миллий агентлиги”⁴⁵ бир вақтнинг ўзида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ваколатларни амалга оширади.

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 сентябрдаги 328-сонли фармонида биноан Қозоғистон Республикаси давлат хизмати ишлари бўйича Қозоғистон Республикаси давлат хизмати ва Коррупцияга қарши кураш агентлиги Қозоғистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунадиган ва ҳисобдор давлат органи сифатида тузилган.

⁴⁴ <https://ru.wikipedia.org/wiki/KNAB>

⁴⁵ <https://zakon0.rada.gov.ua/laws/show/1698-18>

Индонезиянинг коррупцияга қарши кураш комиссияси ёхуд КПК (Komisi Pemberantasan Korupsi) коррупцияни текшириш ва таъқиб қилиш билан бирга бошқарув функциясини ҳам амалга оширади.

КПК Индонезиянинг 2002 йилдаги “Коррупцияга қарши кураш комиссияси тўғрисида”ги қонунга асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларидан мустақил орган ҳисобланади.

КПК ўз фаолияти натижалари тўғрисида фақатгина ўзининг тафтиш Кенгашига ҳисобот беради.

КПК коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш, жиноий таъқиб ва айблов фаолиятини мувофиқлаштиради, тегишли муассасалардан ва органлардан коррупцияга қарши курашиш аҳволи юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотларни сўраб олади.

Шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар юзасидан дастлабки тергов, тергов ва коррупция ишларини юритишда ваколатли ҳисобланади.

Руминия миллий антикоррупциявий дирекцияси ёхуд DNA (Direcția Națională Anticorupție)⁴⁶ коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи махсус прокуратура бўлиб, унинг фаолияти 2002 йилдаги Ҳукумат қарори ва кейинчалик қабул қилинган 503/2002-сонли қонун билан тартибга солинган.

DNA ва порахўрлик ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар тергови ва қонун томонидан белгиланган айрим иқтисодий ва молиявий жиноятлар бўйича таъқибни амалга оширади.

Озарбайжонда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун 2005 йилдан кучга кириши натижасида иккита янги ихтисослаштирилган коррупцияга қарши курашиш институти - Коррупцияга қарши курашиш комиссияси ва Бош прокурор ҳузуридаги коррупцияга қарши кураш департаменти ташкил этилган.

Коррупцияга қарши кураш комиссияси ҳукуматнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд қўмиталаридан 5 аъзодан иборат мустақил

⁴⁶ https://ro.wikipedia.org/wiki/Direc%C8%9Bia_Na%C8%9Bional%C4%83_Anticorup%C8%9Bie

орган ҳисобланиб, коррупцияга қарши миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради.

Бош прокурор хузуридаги коррупцияга қарши кураш департаменти ёхуд ACD (Anti-corruption department) коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи алоҳида орган бўлиб, Озарбайжон Республикаси Президентининг 2004 йилдаги 114-сонли Фармони билан ташкил этилган.

ACD Озарбайжон давлатининг бутун ҳудудида коррупцияга оид жиноятлар бўйича жиноий-таъқиб фаолиятини ва тергов фаолиятини амалга оширади.

Хорватиянинг коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат прокуратураси ёхуд USKOK (Ured za suzbijanje korupcije i organiziranog kriminaliteta)⁴⁷ 2001 йилда коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонунга асосан ташкил қилинган. Ушбу орган коррупцияга қарши курашиш бўйича мамлакатдаги барча органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, Европа Комиссиясининг 2017 йилдаги ҳисоботида⁴⁸ идоралараро самарадорликка эришилмаганлиги қайд этилган.

Буюк Британиянинг мураккаб фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш офиси ёхуд SFO (Serious Fraud Office)⁴⁹ давлатнинг коррупция ҳолатларини аниқлаш ва тергов қилиш учун масъул бўлган махсус бўлинмаси бўлиб, Офис бошлиғи Буюк Британия Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланади. SFO мураккаб фирибгарлик ва коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш борасида Буюк Британия ва чет элда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Россия Федерациясининг Конституцияси, 1992 йилдаги “Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида”ги қонуни, 2008 йилдаги

⁴⁷ <https://en.wikipedia.org/wiki/USKOK>

⁴⁸ Corruption in the European Union. European Parliamentary Research Service Authors: Piotr Bąkowski and Sofija Voronova Members' Research Service September 2017 — PE 608.687

⁴⁹ [https://en.wikipedia.org/wiki/Serious_Fraud_Office_\(United_Kingdom\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Serious_Fraud_Office_(United_Kingdom))

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва Президент томонидан тасдиқланган Россия Федерацияси миллий коррупцияга қарши режасига асосан прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш борасида барча давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради.

2007 йилда Россия Федерацияси Бош прокуратураси таркибида коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширувчи махсус бўлинма ташкил этилган.

Словениянинг коррупцияни олдини олиш бўйича комиссияси ёхуд КОР (Komisija ZA preprečevanje korupcije Republike Slovenije)⁵⁰ коррупциянинг олдини олиш ва тергов қилиш, ахлоқ ва давлат идорасининг яхлитлигини таъминлаш бўйича кенг ваколатга эга бўлган мустақил коррупцияга қарши агентлигидир. Ташкилий нуқтаи назардан мустақил конституциявий орган бўлиб, у фақат парламентга ҳисобот беради. КОР алоҳида ва мустақил тузилма бўлсада, бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколати эга эмас. КОР миллий коррупцияга қарши тадбирлар режасини қабул қилиш ва мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Сербия коррупцияга қарши кураш агентлиги (SACA)⁵¹ 2010 йилда ташкил этилган. SACA Сербия миллий коррупцияга қарши кураш стратегияси ва тегишли тадбирлар режасини, шунингдек соҳавий коррупцияга қарши кураш ва яхлитлик режаларини амалга оширишни мувофиқлаштиради. Шунингдек, у Сербия миллий Ассамблеяси (парламенти) га ҳисобот берувчи автоном ва мустақил орган бўлиб, давлат органларининг коррупцияга қарши курашдаги фаолиятини мониторинг қилади ва мувофиқлаштиради.

Юқоридаги хориж мамлакатларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотларни асосий ваколатлари ва вазифалари

⁵⁰ https://ru.qwe.wiki/wiki/Commission_for_the_Prevention_of_Corruption_of_the_Republic_of_Slovenia

⁵¹ [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/ImplementationReviewGroup/ Executive Summaries2/V1808647r.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/ImplementationReviewGroup/Executive_Summaries2/V1808647r.pdf)

таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқий тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ва ҳеч қайси бирида битта орган ёки ташкилотнинг ўзи бутун бир фаолиятни мувофиқлаштирмаган.

Дунё мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан: коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилма аниқ ҳуқуқий асосга, барча куч ва воситаларга эга бўлиши лозим.

Иккинчидан: мувофиқлаштирувчи ваколатни амалга оширувчи орган ва унинг ходимлари ҳар қандай сиёсий таъсирлардан ҳоли бўлиши, иммунитетга ва бошқарув воситаларига эга бўлиши керак.

Учинчидан: мувофиқлаштирув ваколлати берилган орган раҳбари ва ходимларини тайинлаш ва хизматга қабул қилишда уларнинг кучли етакчилик, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларга эгаллиги инобатга олинishi керак.

Тўртинчидан: мувофиқлаштирув ваколатини амалга оширувчи орган самарали идоралараро ҳамкорликни таъминлай олиши ва бунда судлар билан ҳам алоҳида муносабатларни ўрнатиши лозим.

Бешинчидан: коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришда электрон бошқарув имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Олтинчидан: мувофиқлаштириш натижалари шу орган ёки коррупцияга қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ўзидагина қолиб кетмаслиги, парламент ёки жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа тузилмалар, шунингдек, фуқаролар хабардор қилиб борилиши лозим.

3.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш истиқболлари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу иллатнинг салбий таъсирларидан халос бўла олганимиз йўқ.

“Transparency International” нодавлат-халқаро ташкилоти томонидан дунё мамлакатларининг коррупция бўйича эълон қилинган рейтингда Ўзбекистон 180 та давлат ичида 153 ўринни эгаллаган. 2018 йилда Ўзбекистон 158 ўринни эгаллаган эди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг таҳлилларига кўра Ўзбекистон 2019 йилда “Doing Business” кўрсаткичига кўра 190 та давлат ичида 76 ўринни, “Иқтисодий эркинлик индекси” рейтингда 180 та давлат ичида 140 ўринни эгаллаган.

Ўзбекистонда коррупциявий жиноятларнинг аксариятини мансабдорлик жиноятлари ташкил қилади.

Бош прокуратура томонидан мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатган:

2020 йилнинг (2019 йил) 5 ойи давомида республика бўйича жами 327 (398) та жиноят иши бўйича 459 (537) нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 4 (25) нафари республика миқёсидаги, 13 (36) нафари вилоят ва 442 (476) нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 180 (250) нафари ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 57 (71) нафари пора олиш (бериш) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 92 (51) нафари фирибгарлик, 7 (7) нафари мансаб сохтакорлиги, 8 (18) нафари ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш, 10 (4) нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 16 (23) нафари

мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва 89 (113) нафари бошқа жиноятларни содир этишган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 172,2 (1,6 трлн.) млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 114,2 (1,6 трлн.) млрд. сўми ёхуд 66 фоизи ундирилган.

Жамият ривожлангани сари мамалкатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳам ваколатлари ва функциялари ўзгариб, давлатнинг сиёсатига мослашиб боради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Тадқиқот бўйича ўрганилган назарий манбаалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиётни таҳлили асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни самарадорлигини таъминлашда куйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Бизнингча “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш” деганда биринчидан, “коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати борасида ва иккинчидан эса, коррупцион жиноятларни фош этиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолият сифатида тушуниш мумкин”.

Ҳар қандай мувофиқлаштириш фаолияти ҳуқуқий асосларни шакллантиришдан бошланади.

2012 йилдаги “Коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида Жакарта баёноти” (Жакарта

принциплари) нинг 3-принципида⁵² ҳам давлатнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи органи тегишли ва барқарор ҳуқуқий асослар, масалан Конституция ёки махсус қонун асосида яратилиши керак.

Жумладан, Россия Федерациясининг “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги⁵³ ва Қозоғистон Республикасининг “Қонун устуворлиги, қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Қозоғистон Республикаси Мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисида”ги⁵⁴ Президент фармонлари мавжуд.

Мазкур давлатларнинг юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш субъектлари, принциплари, шакллари ва асосий йўналишлари аниқ тартибга солиб кўйилган.

Ўзбекистонда ҳам жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ишида иштирок этаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари асосан ташкилий характер касб этишини кўришимиз мумкин.

Яъни, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартиблари, йўналишлари ва принциплари ўзининг аниқ ҳуқуқий асосига эга эмас.

Бугунги кундаги пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда мазкур масалада тадқиқот иши доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

⁵² URL..https://www.aauthorities.org/news/principles-anti-corruption_agencies-conference. Принципы антикоррупционного агенства. Джакарта, 26-27 ноября 2012 г. (International Conference Principles for Anti-Corruption Agencies). Джакартский принцип 3 о постоянство.

⁵³ Указ Президента Российской Федерации «О координации деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью», Москва, Кремль, 18 апреля 1996 года, N 567// http://pravo.gov.ru/ipsdata/?doc_itself=&collection=1&backlink=1&nd=201129229&page=1&rdk=0#I0

⁵⁴ Указ Президента Республики Казахстан «Об утверждении Положения о Координационном совете Республики Казахстан по обеспечению законности, правопорядка и борьбы с преступностью», Астана, 2 май 2011 года, N 68// <http://adilet.zan.kz/rus/docs/U1100000068>

(прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия) ва суд органлари ходимлари ўртасида интернет тармоғида интернет тармоғида муаллифлик сўровномаси ўтказилди.

Ўтказилган сўровнома натижалари 28.07.2020 йил санасига қуйидагиларни кўрсатган:

1. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш тизимининг ҳуқуқий асослари етарлича тартибга солинганми?” деган саволига жами 98 та овоз берилиб, иштирокчиларнинг **75 нафари ёки 76,5%** “йўқ ушбу соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштириш керак”, **18 нафари ёки 18,4%** “ҳа” ва **5 нафари ёки 5,1%** “жавоб беришга қийналаман” деган жавобларни беришган.

2. “Сизнингча, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш муносабатларини тартибга солувчи алоҳида қонун ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш керакми?” деган саволига жами 101 та овоз берилиб, иштирокчиларнинг **77 нафари ёки 76,2%** “ҳа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат муҳим”, **12 нафари ёки 11,9%** “йўқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тартибга солиш келишув асосида бўлиши керак” ва **12 нафари ёки 11,9%** “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзи етарли” деган жавобларни беришган.

3. “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини прокуратура органлари томонидан мувофиқлаштирилишини тўғри деб ҳисоблайсизми?” деган саволига жами 102 та овоз берилиб, иштирокчиларнинг **76 нафари ёки 74,5%** “ха, ушбу ҳолат прокуратура органларининг конституциявий мақомига мос тушади” ва **26 нафари ёки 25,5%** “йўқ, ушбу ваколат коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида орган томонидан оширилиши лозим” деган жавобларни беришган.

Фикримизча, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишда республикамиздаги барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича “Жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйи ҳаракатларини, куч ва воситаларини бирлаштириш, иш фаолиятларида такрорланишларни олдини олиш, коррупцион жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш, тергов олиб бориш ва профилактика қилишни энг муҳим ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш лозим.

Иккинчидан: “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида алоҳида мувофиқлаштириш ваколатига эга органлар ва тузилмалар” жумлаларини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва улар тоифасига қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Яъни:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати – терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг

тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашда иштирок этаётган давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда коррупцияни олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланиб, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни мувофиқлаштиради;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссияси – давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини уларнинг самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

“Жакарта принциплари”нинг 15-принципида⁵⁵ ҳам коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи органни йилига камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликка расмий равишда ҳисобот бериши кераклиги белгиланган.

⁵⁵ URL..https://www.acauthorities.org/news/principles-anti-corruption_agencies-conference. Принципы антикоррупционного агенства. Джакарта, 26-27 ноября 2012 г. (International Conference Principles for Anti-Corruption Agencies). Джакартский принцип 15 о публичной отчетности.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистон тўғрисидаги ҳисоботида иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар давлат хавфсизлик хизмати органларининг асосий вазифаларига кирмаслиги, бунинг сабаби махсус хизматларнинг фаолияти, қоида тариқасида ўзига хослиги туфайли ноаниқ бўлиб, улар устидан самарали жамоатчилик назорати йўқлиги, жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича махсус хизматларнинг амалдаги имкониятлари суиистеъмолчиликларга олиб келиши ва ўз-ўзидан жиддий коррупциявий хавфни туғдириши⁵⁶ кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини кучайтириш, уларга мувофиқлаштириш натижаларига алоқадор маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, жамоатчилик назоратини таъминлашнинг аниқ тизимини яратиш лозим.

Коррупция жиноятининг қонунда аниқ ҳуқуқий таърифини бериш ва айнан қайси турдаги жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида ҳисобланишини мустаҳкамлаш лозим.

Фикримизча, Жиноят кодексидаги коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- *иқтисодиёт соҳасидаги коррупцияга оид жиноятлар*. Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-арож қилиш), 168-моддаси (фирибгарлик), 192⁹-моддаси (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192¹⁰-моддаси (нодавлат-нотижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш);

- *бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар*. Жиноят кодексининг 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 206-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколати

⁵⁶ ОЭСР/АКС (2019), Отчет о четвертом раунде мониторинга Узбекистана, стр. 245.

доирасидан четга чиқиш), 208-моддаси (ҳокимият ҳаракатсизлиги), 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги), 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш), 212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш), 213-моддаси (давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 214-моддаси (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши);

- *одил судловга қарши коррупцияга оид жиноятлар*. Жиноят кодексининг 236-моддаси (тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш), 238-моддаси (ёлғон гувоҳлик бериш), 241-моддаси (жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш), 241¹-моддаси (жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш);

- *жамоат тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар*. Жиноят кодексининг 243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш).

Шунингдек, аксарият коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар натижаси судда ҳал бўлишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, жиноят ёки ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг кейинги аҳволдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли тарзда хабардор эмаслар.

Яъни, коррупциявий қилмишни содир этган мансабдор шахс ёки бошқа шахс суд томонидан қўлланилмаган айрим таъсир чоралари эвазига ўзларининг кейинги қилмишларини давом эттиришларига замин яратилишига олиб келмоқда.

Амалиёт маълумотларига кўра, 2019 йилда республика судлари томонидан ЖКнинг 210-моддаси билан 191 та шахсга нисбатан 145 та иш (2018 йилда 202 та шахсга нисбатан 174 та иш), 211-моддаси билан 1179 та

шахсга нисбатан 995 та иш (2018 йилда 1638 та шахсга нисбатан 1279 та иш), 212-моддаси билан 17 та шахсга нисбатан 16 та иш (2018 йилда 23 та шахсга нисбатан 17 та иш) кўрилган.

Шулардан, 2019 йилда ЖКнинг 205-моддаси билан 279 та шахсга нисбатан 160 та иш (2018 йилда 578 та шахсга нисбатан 312 та иш), 206-моддаси билан 93 та шахсга нисбатан 64 та иш (2018 йилда 115 та шахсга нисбатан 81 та иш), 209-моддаси билан 1625 та шахсга нисбатан 829 та иш (2018 йилда 1960 та шахсга нисбатан 1012 та иш) кўрилган.

Шунингдек, 2019 йилда ЖКнинг 210-моддаси билан айбли деб топилган 158 нафар шахснинг 82 тасига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 61 тасига озодликни чеклаш, 15 нафарига жарима жазолари тайинланган бўлса, 20 нафарига шартли ҳукм тайинланган, 13 нафар шахс эса оқланган.

Худди шу тарзда, 2019 йилда ЖКнинг 211-моддаси билан айбли деб топилган 1049 нафар шахснинг 215 тасига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 303 тасига озодликни чеклаш, 229 тасига ахлоқ тузатиш ишлари, 301 нафарига жарима жазолари тайинланган бўлса, 31 нафарига шартли ҳукм тайинланган, 54 нафар шахс эса оқланган⁵⁷.

Ёки маъмурий судлар амалиёти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май куни видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тўртинчи ялпи мажлисида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Чўллийев берган маълумотга кўра, 2019 йилда маъмурий судлар томонидан маҳаллий ҳокимликлар қарорларини ҳақиқий эмас деб топишга доир жами 2992та иш кўрилган бўлиб, уларнинг 1255 таси (42 фоизи) қаноатлантирилган.

2020 йилнинг январь-февраль ойларида эса 552та иш кўрилган ва уларнинг 248таси (45 фоизи) қаноатлантирилган.

Мурожаатлар сони 10 фоизга, ҳокимларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш 3 фоизга кўпайган.

⁵⁷ <http://hudud24.uz/korrupsiya-bilan-bogliq-jinoyatlar-kamaydimi/>

Туман ва шаҳар ҳокимлари ваколатга эга бўлмаса-да, қонунга зид равишда бино-иншоотларни балансга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилган. Шунингдек, ер участкасини ажратиш ваколоти уларга берилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ажратилаётган ер майдонини тўлақонли ўрганилишини таъминламасдан ер ажратиш юзасидан қарорлар чиқарилган.

Энг муҳими, бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан ўз вақтида муносиб эътибор берилмаган.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали идоралараро ҳамкорлигини таъминлаш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш ишларида судларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ахлоқий қоидаларининг 7-моддасида⁵⁸ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг коррупцияга қўл урмасликлари, улар бундай қонунбузарликларга қарши курашишлари лозимлиги белгиланган.

Бироқ, коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи органларнинг ўзида хизмат олиб борувчи ходимлар томонидан ҳам коррупцияга йўл қўйилиб келинмоқда. Жумладан, 2019 йилда прокуратура тизимида 100 нафар ходим, шу жумладан 30 нафар раҳбар кадр “коррупцияга мойиллиги сабабли” ишдан бўшатишган.

Ички ишлар органлари бугунги кунда асосий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири бўлсада, давлатнинг ижро ҳокимияти қўлидаги муҳим воситага айлангани, яъни ҳукумат ушбу тизимдан ўз вазифаларини бажаришда кенг фойдаланишини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу ҳолат нафақат самарали идоралараро ҳамкорликни сусайтиради, балки тизимнинг ўз ходимлари ўртасида ҳам коррупциянинг тарқалишига олиб келмоқда.

⁵⁸ <http://fayllar.org/qonunchilar-uchun-qollanma-5--2003-xavfsizlik-sohasi-ustidan-p.html?page=14>

Ички ишлар органларини жойлардаги айрим мансабдор шахсларнинг таъсири доирасидан холи қилиш, мустақил фаолият кўрсатишига қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан самарали идоралараро ҳамкорликнинг замонавий механизмларини амалга ошириш лозим. Фикримизча, бу борада идоралараро стажировка ва ротация фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мувофиқлаштириш натижалари шу орган ёки коррупцияга қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ўзидагина қолиб кетмаслиги, парламент ёки жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа тузилмалар, шунингдек, фуқароларни хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Матбуот эркинлиги ва маълумотлар очиклиги коррупциянинг ашаддий қушандаси ҳисобланади. Freedom House инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Freedom in the world 2019 ҳисоботида 195 мамлакатдаги вазиятни қиёсий таҳлил қилиб, Ўзбекистонни сўз эркинлиги мавжуд бўлмаган давлатлар қаторига қўшган. Бундай салбий кўрсаткич матбуот эркинлигига ҳам тааллуқлидир.⁵⁹

Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришда электрон бошқарув имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Фикримизча, коррупцияга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ёки тузилма томонидан очик маълумотлар порталини яратиш лозим. Ушбу порталда коррупцияга қарши курашиш аҳволига оид маълумотлар, жумладан, коррупцияга оид жиноятлар таҳлили, давлат ва маҳаллий бюджет орқали тўланадиган барча битимлар ҳақида маълумотлар, бюджет буюртмаларини бажарган юридик шахслар, мансабдор шахсларнинг даромадлари, улар томонидан қабул қилинган совғалар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

⁵⁹ <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekistonda-qancha-amaldor-korrupsiyaga-qul-urdi-1>

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 7¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

7¹-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бу – давлатнинг махсус ваколатли органи ёки бошқа тузилмаси томонидан коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши иш услубларини, фаолият йўналишларини, шаклларини, асосий принципларни ва бошқа мезонларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмудир.

Мувофиқлаштирувчи орган коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Мувофиқлаштирувчи органни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини 13¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

13¹-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятининг мониторинги

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятининг

мониторинги коррупцияга қарши курашиш жараёнида маълумот ва фактларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, таққослаш, баҳолаш, салбий жараёнларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат бўлиб, жойларда коррупцияга қарши давлат сиёсатини қай даражада амалга оширилаётганлиги, тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятининг самарадорлиги, коррупцияга қарши курашиш борасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолатини, шунингдек, мамлакатдаги коррупция даражасини баҳолашни ўрганишга қаратилади.

Коррупцияга қарши мониторинг манбаалари коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий-статистик маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва ахборотлар, ижтимоий сўровлар натижалари, халқаро ташкилотларнинг маълумотлари, шунингдек, қонун билан таъқиқланмаган бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

Коррупцияга қарши мониторинг натижалари мамлакатда коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашга, фуқаролар ва давлатнинг антикоррупциявий маданиятини ривожланишига, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни такомиллаштириш учун асос бўлиши мумкин.

БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг 48-моддасига кўра ҳар бир иштирокчи давлат ўзларининг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасидаги самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашишлари назарда тутилган. Шунингдек, иштирокчи давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувини ва лозим бўлган ҳолатларда, мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни аввалдан аниқлаш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштиришлари белгиланган.

Шунингдек, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг аксарият ҳолларда “латентлиги” уларни аниқлаш ва фош этишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Яъни, МЖТКнинг 61-моддаси (оз миқдорда талон-тарож қилиш), 61¹-моддаси (нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 193¹-моддаси (давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 193²-моддаси (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши) даги маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва фош этиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш қонунчиликда назарда тутилмаган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида белгиланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар қаторида, ушбу модданинг 1-қисми учинчи хатбошисини “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган маъмурий ишлар” жумлалари билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Х У Л О С А

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш бугунги кунда давлат учун долзарб масала бўлиб қолаётгани, коррупция жараёнининг кучайиши оқибатида унинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани, унга қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот бўйича ўрганилган назарий манбаалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиётни таҳлили асосида қуйидаги назарий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

Илмий-назарий таклифлар:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчасига қуйидагича муаллифлик тушунчаси ишлаб чиқилди:

Бизнингча, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш” деганда биринчидан, “коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати борасида ва иккинчидан эса, коррупцион жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолиятдир”.

Иккинчидан, коррупция жиноятининг қонунда аниқ ҳуқуқий таърифини бериш ва айнан қайси турдаги жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида ҳисобланишини мустаҳкамлаш лозим.

Фикримизча, Жиноят кодексидаги коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- *иқтисодиёт соҳасидаги коррупцияга оид жиноятлар;*
- *бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар;*
- *одил судловга қарши коррупцияга оид жиноятлар;*
- *жамоат тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар.*

Учинчидан, Фикримизча, коррупцияга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ёки тузилма томонидан очик маълумотлар

порталини яратиш лозим. Ушбу порталда коррупцияга қарши курашиш аҳволига оид маълумотлар, жумладан, коррупцияга оид жиноятлар таҳлили, давлат ва маҳаллий бюджет орқали тўланадиган барча битимлар ҳақида маълумотлар, бюджет буюртмаларини бажарган юридик шахслар, мансабдор шахсларнинг даромадлари, улар томонидан қабул қилинган совғалар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, коррупцияга қарши курашиш борасида прокурор назорати тушунчасига қуйидагича муаллифлик тушунчаси ишлаб чиқилди:

Коррупцияга қарши курашиш борасида прокурор назорати бу - прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари асосида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд бўлган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан катъий назар аниқ ва бир ҳилда қўлланилиши (бажарилиши)ни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қонун билан ўрнатилган тартибда бажариш ваколатини амалга ошириш борасидаги маҳсус фаолиятдир.

Амалий таклифлар:

Биринчидан, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишда республикамиздаги барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича “Жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ⁶⁰.

Иккинчидан: “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида алоҳида мувофиқлаштириш ваколатига эга органлар ва тузилмалар” жумлаларини қонунчиликда

⁶⁰ Тадқиқот ишига илова қилинган

мустаҳкамлаш ва улар тоифасига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Яъни:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссияси.

Учинчидан, Фикримизча, коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини кучайтириш, уларга мувофиқлаштириш натижаларига алоқадор маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, жамоатчилик назоратини таъминлашнинг аниқ тизимини яратиш лозим.

Тўртинчидан, фикримизча, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали идоралараро ҳамкорлигини таъминлаш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш ишларида судларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, ички ишлар органлари ходимларини жойлардаги айрим мансабдор шахсларнинг таъсири доирасидан холи қилиш, мустақил фаолият кўрсатишига қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, идоралараро стажировка ва ротация фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 7¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

7¹-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бу – давлатнинг махсус ваколатли органи ёки бошқа тузилмаси томонидан коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши иш услубларини, фаолият йўналишларини, шаклларини, асосий принципларни ва бошқа мезонларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмудир.

Мувофиқлаштирувчи орган коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Мувофиқлаштирувчи органни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Еттинчидан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини 13¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

13¹-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятининг мониторинги

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятининг мониторинги коррупцияга қарши курашиш жараёнида маълумот ва фактларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш,

таққослаш, баҳолаш, салбий жараёнларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат бўлиб, жойларда коррупцияга қарши давлат сиёсатини қай даражада амалга оширилаётганлиги, тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятининг самарадорлиги, коррупцияга қарши курашиш борасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолатини, шунингдек, мамлакатдаги коррупция даражасини баҳолашни ўрганишга қаратилади.

Коррупцияга қарши мониторинг манбаалари коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий-статистик маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва ахборотлар, ижтимоий сўровлар натижалари, халқаро ташкилотларнинг маълумотлари, шунингдек, қонун билан таъқиқланмаган бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

Коррупцияга қарши мониторинг натижалари мамлакатда коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашга, фуқаролар ва давлатнинг антикоррупциявий маданиятини ривожланишига, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни такомиллаштириш учун асос бўлиши мумкин.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида белгиланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар қаторида, ушбу модданинг 1-қисми учинчи хатбошисини “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган маъмурий ишлар” жумлалари билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори., 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06/19/5892/4134-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. (янги таҳрир) Тошкент ш., 2001 йил 29 август, 257-II-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2833-сонли қарори, 2017 йил 14 март//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони., 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни. Тошкент ш., 2019 йил 10 декабрь, ЎРҚ-591-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарори., 2017 йил 7 февраль, ВМҚ-60-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 79-модда.

11. Указ Президента Российской Федерации «О координации деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью», Москва, Кремль, 18 апреля 1996 года, N 567.

12. Указ Президента Республики Казахстан «Об утверждении Положения о Координационном совете Республики Казахстан по обеспечению законности, правопорядка и борьбы с преступностью», Астана, 2 май 2011 года, N 68.

Методологик аҳамиятга молик наирлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлис палаталарига йўллаган мурожаатномаси. “UzA”, 2020 йил 25 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи., 2019 йил 23 август, 217-сон. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 10/19/3179/3675-сон; 29.04.2020 й., 10/20/3179-1/0524-сон.

3. Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. –Т.: “Шарқ”, 2001. - 656-б.

4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг 2017-2020 йилларда ўтказилган йиғилиш баёнлари.

5. Давлат мансобдор шахсларининг ахлоқ-одоби тўғрисида Халқаро Кодекс. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1996 й. 12 декабрда да қилинган БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 г й. 17 декабрда қ/қилинган, Резолюция № 34/169.

6. Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах. Методическое пособие.-Т.:Центр повышения квалификации юристов. 2017.-85с.

7. Исмаилов Б.И., Современные стратегии антикоррупционных реформ//Учебное пособие.-Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 113 с.

II. Монография, илмий мақола ва тўпламлар

1. Абдиров Н.М., Кобзарев Ф.М. Координационная деятельность прокуратуры Республики Казахстан по противодействию коррупции: опыт правового и организационного обеспечения // Вестн. Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – 2015. – №5 (49). – С. 47-56.

2. Йўлдошев Н.Т. “Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати”//<http://huquq.uz/korrupsiyaga-arshi-kurash-fu-arolarning-u-u-lari-va-onuniy-manfaatlarini-imoya-ilishning-mu-im-kafolati/>.

3. Исмаилов Б.И. Халқаро жинойтчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари // Ўқув қўлланма.-Тошкент: ЮМОМ. 2015.- 129 б.

4. Коррупция в правоохранительных органах / Сборник научных докладов, Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014. – 126с.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар / Юридик фанлари доктори, профессор Миренскийнинг умумий таҳририда. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й.

6. Samuel De Jaegere, «Принципы для антикоррупционных агентств: правила игры меняются» (2012) 1(1) Jindal Journal of Public Policy 79, 80.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

1. Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [Электронный ресурс]. URL: [http:// www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/](http://www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/) (дата обращения: 10.04.2020).

2. Patrick Meagher. Anti-Corruption Agencies: A Review of Experience. Office of democracy and governance Anticorruption. (https://pdf.usaid.gov/pdf_docs/Pnadm208.pdf).

3. Пўлатов Б.Х. Жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент тезкор босмаҳонаси, 2007. - 312 б.

4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 884 б.

5. Участие органов прокуратуры России в противодействии коррупции. Москва, 2018 г.

6. ОЭСР//Отчет Четвертого раунда мониторинга Стамбульского плана действий по борьбе против коррупции Антикоррупционные реформы в Узбекистан, 2019-324.

IV. Диссертация ва авторефератлар

1. Капитанова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Рос. Федерации. – М., 2002. – С. 21.

2. Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14.

3. Калита И.А. Деятельность органов прокуратуры по противодействию коррупции: автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук: 12.00.11 / АО ВПО Московский гуманитарный ун-т. – М., 2013. – 25 с.

4. Иманов И. А. Прокурорский надзор за исполнением законов о противодействии коррупции в Республике Казахстан: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – С. 251.

5. Ибрагимов З.С. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти Республики Узбекистан : автореферат дис. ... кандидата юридических наук : 12.00.01.- Ташкент, 1997.

6. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш: автореф. дис. ... док. фил. 12.00.11.-Тошкент, 2019.

V. Интернет манбалари

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. Нью-Йорк, 31 октября 2003 года//Электрон манба: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml/ (мурожаат вақти: 22.04.2020).

2. Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. - URL: (<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 30.03.2020)

3. Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. - URL: (<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 30.03.2020)

4. <http://fayllar.org/qonunchilar-uchun-qollanma-5--2003-xavfsizlik-sohasi-ustidan-p.html?page=14>.

5. Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. — URL: (<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 10.04.2020).

6. Специализированные институты по борьбе с коррупцией. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Обзор моделей. Электронный ресурс. — URL:

(<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf> дата обращения 10.04.2020).

7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/KNAB>.

8. <https://zakon0.rada.gov.ua/laws/show/1698-18>

9. https://ro.wikipedia.org/wiki/Direc%C8%9Bia_Na%C8%9Bional%C8%83_Anticorup%C8%9Bie.

10. <https://en.wikipedia.org/wiki/USKOK>.

11. [https://en.wikipedia.org/wiki/Serious_Fraud_Office_\(United_Kingdom\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Serious_Fraud_Office_(United_Kingdom)).

12. https://ru.qwe.wiki/wiki/Commission_for_the_Prevention_of_Corruption_of_the_Republic_of_Slovenia.

13. https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/ImplementationReviewGroup/Executive_Summaries2/V1808647r.pdf.

14. URL..<https://www.acauthorities.org/news/principles-anti-corruption-agencies-conference>. Принципы антикоррупционного агенства. Джакарта, 26-27 ноября 2012 г. (International Conference Principles for Anti-Corruption Agencies). Джакартский принцип 3 о постоянство.

15. URL..<https://www.acauthorities.org/news/principles-anti-corruption-agencies-conference>. Принципы антикоррупционного агенства. Джакарта, 26-27 ноября 2012 г. (International Conference Principles for Anti-Corruption Agencies). Джакартский принцип 15 о публичной отчетности.

16. <http://hudud24.uz/korruptsiya-bilan-bogliq-jinoyatlar-kamaydimi/>.

17. <http://fayllar.org/qonunchilar-uchun-qollanma-5--2003-xavfsizlik-sohasi-ustidan-p.html?page=14>.

18. https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekistonda_qancha_amaldor_korruptsiyaga_qul_urdi-1.